



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 20 июль, № 142 (6836) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Сиёсий партиялар:

АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ МУМКИН

Чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар сиёсий партиялар, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позициясини аниқ намоён этади. Утган ҳафтада Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан парламент фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий партиялар ишини жонлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар ҳар бир депутат, сенатор, маҳаллий Кенгаш депутатини сергалантириши баробарида, халқ вакили сифатида шунчаки ишлаш мумкин эмаслигини тасдиқлади.

ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА

Айни пайтда мамлакат раҳбари маърузасидан келиб чиқиб, парламент палаталари, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгашлар ўз фаолиятини бугунги кун талаблари асосида бутунлай ўзгартириш устида фаол иш олиб бораётипти.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Акмал Бурҳоновнинг Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги мажлисида қайд этилишича, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, сиёсий партиялар раҳбарияти, сенатор ҳамда депутатлардан иборат ишчи гуруҳлар республикамизнинг барча ҳудудда сиёсий партиялар ҳудудий кенгашлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини ўрганишяпти. “Мен ҳам ушбу жараёнда Тошкент шаҳрида ишчи гуруҳ таркибида қат-

нашаяпман. Ўрганишларда давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган танқидий масалалар, ҳақиқатан ҳам, ўрилли эканлигига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партияларда тизимли муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Хусусан, партиянинг кўйи бўғинлари салоҳияти етарли даражада эмас. Партиялар депутатлик гуруҳларининг аҳоли билан мулоқоти яхши йўлга қўйилмагани натижасида долзарб масалалар маҳаллий Кенгашларга олиб чиқилмапти”, деди А. Бурҳонов.

Унинг таъкидлашича, пойтахтимизда 2017 йилнинг биринчи ярим йилгида 5 та сессия ўтказилган, уларда 54 масала кўриб чиқилган. Шундан 35 таси ташкилий масала.

(Давоми 2-бетда).

Хорижий инвестор:

ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАРДАН МАМНУНМИЗ



Бугун қайси соҳада бўлмасин, янгиланишларнинг гувоҳига айланаяпмиз. Чунончи, енгил саноат тармоғида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаёпти. Илғари Сирдарё вилоятида мазкур соҳада саноқли корхоналар фаолият юритарди. Эндиликда уларнинг сони кўпайиб, ҳудуд иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутмоқда.

ХАМКОРЛИК

Жумладан, шу йилнинг баҳорида туркиялик инвестор томонидан Гулистон шаҳрида “Sirdaryo best fashion” хорижий корхонаси ишга туширилди. Натижада ҳудуднинг бу соҳадagi экспорт имкониятлари кенгайди. Бинобарин, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар юз фоиз ташқи бозорга йўналтирилмоқда. Белгиланган бизнес-режага кўра, келгуси йилда экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларигача кўтарилди.

— Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаолиятимиз билан атрофлича танишганидан бошимиз осмонга етди, — дейди хорижий корхона технологи Демир Хусайин.

(Давоми 2-бетда).

Солиққа оид ўзгаришлар тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилади

Замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими деганда нима тушуналади? Соҳани ислоҳ қилишда қандай механизмлардан фойдаланиш зарур? Умуман, аҳоли, айниқса, тадбиркорлар учун солиққа оид ўзгаришлар қай даражада муҳим?

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу саволлар ечимига, чунончи, солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда ҳозирги пайтда мавжуд бўлган бир қатор муаммоларни бартараф этишга қаратилган билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, Фармонда давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ

қилишнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи замонавий тизим — солиқ мониторингини жорий этиш назарда тутилди. Илғор хорижий тажриба ҳисобга олиниб, солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармала-

рига юклатилмоқда. Айтиш мумкинки, бу йирик ҳўжалик юритувчи субъектларга ўз вақтида ва самарали хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган ҳалол солиқ тўловчилар — ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш кўзда тутилди. Бу нимани аниглади? Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мазкур янги шакли тадбиркорларнинг бизнес оламида мустаҳкам ўрин эгаллашга кўмаклашди. Айни пайтда солиқ тўловчи томонидан ортинча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш муддати икки баравар қисқартирилётгани эътиборга молик жиҳатлардан биридир.

(Давоми 2-бетда).

Ишбилармон хотин-қизлар ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ушбу фаолият билан эмин-эркин шуғулланишлариغا зарур шарт-шароит яратиш, илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини қуқурлаштиришни назарда тутган савй-ҳаракатлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

АНЖУМАН

Утган даврда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга аёллар тадбиркорлигини кучайтиришга оид бир қатор лойиҳалар рўйбга чиқарилди.

Улар орасида қўмитанинг 2012 йилдан бошлаб Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди билан олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга молик.

Куни кеча пойтахтимизда мазкур ҳамкорлик доирасида “Ўзбекистонда молия секторини қўллаб-қувватлаш” номи лойиҳа сарҳисобига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, банк-молия муассасаларининг мутасаддилари, экспертлар, ишбилармон хотин-қизлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

«Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она»

деган мақолнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини англайдиган вақт келди

Бугун фарзандларимиз таълим-тарбияси, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида камол топтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг йўқлиги учун қайси ҳудудда таълим-тарбияси, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш ҳаммамизга ибрат бўлмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари Юнусобод туманида ҳам ушбу масалаларга яна бир бор ургу бериб ўтди.

Жумладан, Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳўнар коллежиди 11 йиллик мактаб таълимини ташкил этиш лойиҳаси тақдимида маҳалла фаоллари, ота-оналар тақлиф қилинган беҳиж эмас. Негаки, ёшлар тарбиясига нафақат ота-она, мактаб ёки маҳалла, балки кенг жамоатчилик

вакиллари ҳам бирдек масўл.

Юртбошимизнинг ташрифи чоғида компьютер технологиялари касб-ҳўнар коллежи жойлашган Ислобод маҳалласида 3 минг 165 аҳоли истиқомат қилиши, лекин ҳудудда мактаб

йўқлиги учун болалар бошқа мактабга боришга мажбур эканлиги, шу боис фаоллар, ота-оналар ҳудуддаги ушбу коллежни 11 йиллик мактабга айлантириш тақлифини билдиришди. Президентимиз ушбу тақлифни ўрганиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди, лекин, бу туман ахлини беҳад қувонтирди. Ахир, ҳар бир ота-она ўғил ёки қизининг кўз ўнгидида кўнгилдагидек улгайишини истайди. Бунда эса давлатимиз раҳбари айтганидек, мактаб тарбияси алоҳида ўрин тутарди.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

ОСУДА ВА ХОТИРЖАМ ҲАЁТ

Уни таъминлашда замонавий технологиялардан ҳам кенг фойдаланилади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманига ташрифи доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида ташкил этилаётган “Хавфсиз шаҳар” бошқарув ситуацион маркази билан яқиндан танишди. Уни янада такомиллаштириш юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини берди.



Қўриқлаш тизимида янгилик

Марказ йўл ҳаракати ҳамда ёнгин хавфсизлиги, қўриқлаш ва патруль-пост хизмати ҳамда бошқа тармоқларни геoinформацион тизим орқали бошқариш имконига эга. Жамоат жойлари видеокузатув ускуналари ёрдамида назорат қилиб борилади. Айни чоғда GPS ҳамда ГЛОНАСС глобал навигация тизимлари билан тўлиқ жиҳозланган автомобиллар, замонавий сигнал узатиш техникалари хизмат ходимлари учун катта қулайлик яратарди.

Файзулла ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари: — Юнусобод туманининг учта ҳудудда техник қўриқлаш марказлари ташкил этилган бўлиб, уларга муайян маҳалла ва ташкилотлар, хонадонлар ҳамда бошқа объектлар бириктирилган. Ҳудудда бирон хавф сезилганда ёки кўнгилсиз ҳодиса содир бўлганда, бу ёрдаги тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ воқеа жойига бир зумда етиб боради ва ноҳуқлиқнинг олдини олиш ёки оқибатини бартараф этиш чорасини қўради. Эътибор-

ли жиҳати, хабар узатиш ҳамда ишни ташкил этиш чоғида узиллиш ҳолатлари умуман бўлмади. Чунки янги тизим сигнални мис кабел, оптик тола, интернет, суый йўлдош орқали узатиш ва қабул қилиш имкониятига эга. Бу эса иш самарадорлигига нечоғли таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан аён. Дастлабки натижалар ҳақда гапирадиган бўлсак, аввало, ушбу янгилик туфайли жойларда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сезиларли даражада камайишига эришилди. Бу эса шу тизимга улашни истагини билдираётган корхона ва ташкилотлар, маҳалла ҳамда хонадонлар сони кўпайишига замин яратмоқда.

Давр талабига мос бўлсин!

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа билан танишар экан, тиңчилик-осойишталикни таъминлаш борасидаги ишлар бугунги ҳаёт талабларига мос бўлиши керак, деди. Бунинг учун эса тизимни пухта ўзлаштириш, изчиллик билан такомиллаштириш бориш талаб этилади.

Мустақим МУХАММЕДОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Қўриқлаш бошқармаси бўлим бошлиғи:

— “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси тажриба тарихида йўлга қўйилган бўлиб, уни муваффақиятли синовдан

ўтказиш олдимида турган долзарб вазифалардан биридир. Шу боис ички ишлар органлари ходимларининг ахборот-технологиялари борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш чоралари кўриломоқда. Бунинг учун давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Тошкент ахборот технологиялари университети, пойтахтимиздаги Инҳа университетиди иختисослашган кадрлар тайёрлаш, ИИВ Академиясида ўқув дастурини такомиллаштириш билан боғлиқ савй-ҳаракатлар амалга оширилади. Ана шунда лойиҳани муваффақиятли рўйбга чиқарадиган салоҳиятли кадрларга эга бўламиз.

Тақлифлар эътиборга олинади

Янги лойиҳа, албатта, аҳоли фикр-мулоҳазалари, Президентимиз тақлифлари асосида такомиллаштириб борилади. Бинобарин, мазкур тизим шаҳар осойишталиги, юртдошларимизнинг осуда ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

www.xs.uz

«Халқ сўзи»
газетаси сайтида ўқинг

- » Депутат «юкори»дан топириқ кутмаслиги керак
- » Имконият кенг, фаолият эркин
- » Жаҳон тамаддунининг муҳим ҳалқаси

ЭХТИРОМ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг таклифи ва ташаббуси билан Ватанга муҳаббат, севги, садоқат каби юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган, бетакрор овоз соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги санъат ҳамда нафосат байрами сифатида бу йил бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди.

Кучли эхтирос, ақлий нафосат билан битди. Шунинг учун санъатор ҳам уни шундай дард, туйғулар билан ўзини кўрсатишга қўйилган, тинч-лончиға етказди олади. Бу сўзлар Комилжон Отаниёзовнинг санъатга бўлган муносабатини ўзиде акс эттиради. Керак бўлса, унинг ижодий фаолиятининг ўзига хос мезонидир. Комилжон оға нафақат хонанда,

«Муҳаббат оламининг булбули»

Хоразм қўшиқчилиги мактабининг машҳур намояндаси Комилжон Отаниёзов 2017 йилнинг 20 июлида Шовот туманидаги Бўйрачи қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Отаниёз Охун Полвонниёз ўғли Хивадаги Арабхон мадрасасида мударрислик қилган, Ниёзий тахаллуси билан фазаллар ёзиб, бир неча девон чоп эттирган. Еш Комилжон Матпано ота, Матқуб Харратов, Хожихон Болтаев, Маткарим ҳофиз, Мадрахим Шерозий, Бола Бахши сингари устозлардан сабоқ олиб, тез орада ўзи ҳам булбулнафас ҳофиз сифатида элга танилди. Комилжон Отаниёзовнинг «Хоразм сеғохи», «Чоргоҳ», «Сувога», «Ошиқ бўлмишам», «На тилар маңдан», «Салом сизга, Хоразмдан», «Айрилма», «Насихат», «Уш келдингиз», «Саломно», «Найлорам» каби қўшиқлари санъат ихлосмандлари қалбидан чуқур жой олган.

— Комилжон Отаниёзов миллий қўшиқчилигимизнинг деярли барча жанрида самарали ижод қилди ва ҳар бир йўналишга ўзига хос янгиликлар кирита олди, — дейди Урганч давлат университетининг музикаий таълим кафедраси мудири Ботир Раҳимов. — Ўтмишда устоз санъаткорлар Хоразм макомларини вазмин, сокин оҳангларда куйлаганлар. Комилжон ака устозларидан ўрганган макомларга ижодий ёндашди, куйни тезлаштирди, янги музикаий безаклар билан бойитди.

балки истеъдодли бастакор ва актёр сифатида ҳам маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Унинг «Азиз ва Санам», «Ошиқ Фароб» каби драмаларга басталаган музикалари, Отаҳай номидидаги Хоразм вилояти театрида яратган «Фарҳод ва Ширин» даги Фарҳод, «Тоҳир ва Зухра» даги Тоҳир каби образларини катта авлод вақиллари ҳали-ҳануз ажиб бир эхтиром билан эслайдилар.

биёт, санъат, кино ва бошқа соҳалар бўйича ижод сирларини ўрганишини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди. Юртимизнинг маданият ва санъат масканларидан бирига айланадиган бу мажмуа яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Айна пайтда ҳофиз тугилиб ўсган қадим Хоразмда қулуг санъатга тайёргарлик ишлари улжиде. Устоз санъаткор яратган авж ижодий услубни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг бой маданият меросини ўрганиш, баланд пардаларда куйлаган қўшиқларини ижро эта олади-ган ёш истеъдод эгаларини аниқлаш мақсадида вилоят маданият ишлари бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўплаб илмий-амалий конференциялар, ижодий учрашувлар, бадий кечалар, концерт дастурлари ва бошқа турли тадбирлар ташкиллаштирилмоқда.

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

Юракдан куйланган қўшиқлар

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти музикали драма театрида мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг худудий bosқичи якунланди.

ана шу ижод намуналарида миллий ўзлигимиз, тинч ва осулда ҳаётимиз, бетакрор диёримизнинг гўзаллиги, табиати, урф-одатларимиз, бунёдкорлик ишлари жо бўлган.

Вилоят маданият бошқармаси, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 36 нафар ёш истеъдод эгаси ҳамда хаваскор ижрочилар қатнашди.

Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат гоълари билан суғорилганлиги, музиканинг оригиналлиги, ижроининг кийиниши, саҳна маданияти ва маҳоратиға эътибор қаратилди. Биринчи ўрин Жиззах шаҳридан Достон Тоировга, иккинчи ўрин зоминлик Шоҳрух Ҳозалиевга, учинчи ўрин эса форшлик Гўзал ҳамда Адҳам Қозоқовларга nasib этди.

Юракдан куйланган қўшиқлар ана шу ижод намуналарида миллий ўзлигимиз, тинч ва осулда ҳаётимиз, бетакрор диёримизнинг гўзаллиги, табиати, урф-одатларимиз, бунёдкорлик ишлари жо бўлган. Яқунда Гурлан туманидан Равшан Иноятов ва Хива туманидан Асадбек Қуллйевлар танлов голиби бўлишди. Урганч шаҳридан Имомаддин Аҳмедов ва Урганч туманидан Соҳиба Рўзметовалар иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Учинчи ўрини Урганч туманидан Асадбек Озодов, боғотлик Арслон Бобонозов, хивалик Ражаббой Бобонозалар эгаллашди.

ЧОРШАНБА — ЁНГИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Ўт балосидан асрасин...

Одамзод яралибдики, унга олов доимий ҳамроҳ, таъбир жоиз бўлса, беминнат хизматчи бўлиб келмоқда. Ундан тўғри фойдаланилганда шундай, аксинча бўлса, бунинг оқибати аён.

— Кун давомида 273 та сув ҳовузи ҳамда 182 та сув гидрантининг носоз эканлиги аниқланди, — дейди вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси Улуғбек Қосимов. — Бу эса ёнгин ҳодисаси содир бўлган пайтда соҳа вақилларининг теъкорлиғига халал беради. Шу боис вилоят худудидеги мавжуд 1373 та сув ҳовузи ва гидрантлари тузатилади.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали кафедраларнинг вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади. ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ИЗЛАНИШ

Қарши шаҳридаги «Radiant Silk» қўшма корхонасида пилла чиқиндисидан момик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иккиламчи хом ашёдан экспортбop маҳсулот



Мамлакатимизда спортдаги улкан ютуқлари орқали Ватанимиз довуғини дунёга таратаётган йигит-қизлар кўп. Уларнинг фаолиятини кенг оммага таништириш, салоҳиятини намойён қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши ва Ёзувчилар уюмиси ҳамкорлиғида «Замонамиз қаҳрамонлари» китоб-альбомлари чоп этилмоқда.

«Замонамиз қаҳрамонлари»

Миллий матбуот марказида «Ёш авлоднинг мардлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш» мавзусида уюштирилган анжуманида XXXI ёзи Олимпидега ўйинларида голибликни қўлга киритган спортчиларимиз Ҳасанбой Дўсмаатов ҳамда Руслан Нуруддиновнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китобларнинг тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзолари ҳамда Мудофаа вазирлигининг масъул вақиллари, китоб муаллифлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

«Respublika mullk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таълиф етади. Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент вилояти, Ангрён шаҳри, Нуробод кўрғониде сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғиде 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745, 80 022 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.